

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭШМУРЗАЕВА АИДА АБДИГАНИЕВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ АНЕМИК СИНДРОМ БИЛАН
КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ҲОСЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшмурзаева Аида Абдиганиевна

Ревматоид артритнинг анемик синдром билан
кечиши ва даволашнинг ўзига ҳослиги 3

Эшмурзаева Аида Абдиганиевна

Особенности течения и лечения ревматоидного
артрита с анемическим синдромом 21

Эшмурзаева Аида Абдиганиевна

Features of the course and treatment of rheumatoid
arthritis with anemic syndrome 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭШМУРЗАЕВА АИДА АБДИГАНИЕВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ АНЕМИК СИНДРОМ БИЛАН
КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ҲОСЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib198 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каримов Маъриф Шакирович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Алиахунова Мавжуда Юсуповна тиббиёт фанлари доктори, профессор Махмудова Азиза Джумановна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 71) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б. Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ревматоид артрит (РА) касаллиги ҳозирги кунда жаҳонда кўп тарқалган аутоиммун яллиғланиш касалликлардан бири ҳисобланиб, барча ревматологик касалликларнинг 10% ни ташкил қилади. РА нафақат тиббиётда, балки ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланиб, касалликнинг дебюти меҳнат ёшидаги шахсларда кўпроқ учрайди. 50% га яқин меҳнат ёшидаги беморлар касалликнинг биринчи беш йилида меҳнат қобилятини йуқотиши ва ногиронликка сабаб бўлиши аниқланган¹. РА беморларда гематологик бузилишлардан энг кўпи анемия ҳисобланади ва учраш даражаси 30 - 70% гача, касалликнинг биринчи йилида 25% ни ташкил қилади.

Жаҳонда РА беморларни ташхислаш ва даволашда куйидаги коморбид ҳолатларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга (анемия, ошқозон-ичак тракти зарарланиши, буйрак дисфункцияси). Бундан ташқари РА кечишига анемиянинг таъсирини ўрганиш олиб бормоқда, гемоглобин миқдорининг пасайишининг энг кўп тарқалган сабабларининг патогенетик механизмларини ривожланишини ишлаб чиқиш, феррокинетика кўрсаткичларини ўрганиш, даволашда яллиғланишга қарши базис дори воситаларини ва темир препаратларини қўлланилишининг анемияга таъсирини ўрганиш ва хеликобактер инфекциясининг анемияга патогенетик таъсирини ўрганиш муаммонинг долзарблигини кўрсатади. Темир танқислиги эритроцитлар орқали кислород етказиб бериш жараёнларининг бузилиши, тўқима нафас олишининг бузилиши, ферментатив реакциялар ҳамда, иммунологик резистентлик сақланишига сабаб бўлувчи салбий омил ҳисобланиб, бу эса бўғимларда ўткир ва сурункали яллиғланиш жараёнини чуқурлаштиради, РА кечиши ва даволаш натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Аҳоли орасида РА беморларда анемиянинг келиб чиқиши ва уни даволаш, беморларнинг хаёт сифатини яхшилашга йуналтирилган тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилиб, бу борада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича маълум натижаларга эришилди, жумладан ревматологияда бўғим касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги усуллар ишлаб чиқилди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш»² белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда РА касалликлари ривожланишида анемиянинг ревматоид артрит

¹ Ватулин Н.Т.Смирнова А.С. Калинин Н.В. Шевелек А.Н. «Анемия у больных ревматоидным артритом: особенности патогенеза, диагностики и лечения».

² 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

кечиши ва даволаниш натижаларига салбий таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида олиб борилаётган кўп сонли тадқиқотлар, ревматоид артрит даволаш ва ташхис қилишдаги ютуқларга қарамасдан анемик синдромли РА билан беморларни комплексли даволашда анемияга қарши воситалар самарадорлиги ва хавфсизлиги етарлича ўрганилмаган ҳамда қарама-қаршилиқлар мавжуд. Бир қатор тадқиқотчилар кўрсатишича, бўғимлар яллиғланиши билан касалланган беморларни даволаш комплексига анемияга қарши воситаларни киритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ионлашган темир (Fe^{2+}) ва темир препаратлари таркибида кўпинча мавжуд бўлган аскорбин кислотаси ҳисобига эркин радикал оксидланиш фаоллашувига олиб келиши мумкин (Pincus.T. et al. 1990). Бундан ташқари, маълумки, (Fe^{2+}) препаратлари учун кўнгил айланиши, қайт қилиш, ошқозон шиллиқ қатлами таъсирланиши ва бошқалар каби ножўя таъсирлар хосдир. (Scholl.T.O. 2005), бу эса ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларнинг гастродуоденал ножўя таъсирларини кучайтиради. Бўғим касалликларига чалинган беморларда эритропоезин стимуляторларини тайинлаш тегишли самара бермайди. РА билан беморларда анемик синдромни тузатишга ножўя таъсирлар юзага келиши хавфини камайтирган ҳолда самарадорликка эга янги ҳолатларни излаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, касалликлар, айниқса сурункали касалликларнинг ижтимоий юқини белгиловчи асосий омиллардан бири уларнинг популяцияда тарқалганлик даражаси ҳисобланади. Бир қатор муаллифларнинг маълумотларига кўра РА тарқалганлик даражаси 1%га, жамият учун иқтисодий талафот эса ЮИҚдан кўриладиган талафотлар билан солиштириладиган даражасига етади. (Балабанова Р.М., Кашеваров Р.Ю., Олюнин Ю.А. и др., 2006). Эпидемиологик тадқиқотлар маълумотларига кўра саноати ривожланган мамлакатларда РА тарқалганлик даражаси аҳоли сонининг 0,5-2%га, (Насонов Е. Л., 2006, Emery P., Suarez-Almazor M., 2003), янги ҳолатлар юзага келиши ҳар йиллик даражаси эса 0,02%га етади (Насонов Е.Л., Насонова В.А., 2008). Турли иқлимий-географик ҳудудлар

катта ёшдаги аҳолиси орасида РА тарқалганлик даражаси эса – ўртача 0,6-1,3%. Америка экспертлари ўз мамлакатида 2030 йилга келиб «шифокорлар ташхис қўядиган артритлар» сони тахминан 40%га ошишини башорат қилмоқдалар, яъни касалланганлар сони 67 млн. нафар одамга етади. Бунда «артритлар» оқибатида фаоллиги чекланган одамлар сони 19 млн. нафардан 25 млн. нафарга ошади (Hootman J. M., Helmick C. G., 2006). Ушбу касаллик туфайли беморларнинг эрта ногиронга айланиши ҳисобига жамиятга етказиладиган улкан зарарни баҳолаш мушкул. Ревматоид артрит табиий кечишида ва ҳатто стандарт терапия муҳитида ҳам касаллик бошланган сўнг 20 йилдан ўтгач, 60-90% беморлар меҳнат лаёқатини йўқотади, 1/3 қисми эса ногирон бўлиб қолади (Altman R.D., 1990). Бунда мазкур касалликка чалинган шахсларнинг 50 % га яқини дастлабки беш йил ичида, 10% - касалликнинг дастлабки икки йили ичида ногирон бўладилар (Фоломеева О.М., Галушко Е.А., Эрдес Ш.Ф., 2008, Черных Т.М, 2011).

Касаллик коморбид ҳолатлар, кўпроқ сурункали яллиғланиш муҳитида ривожланадиган юрак-қон томир патологияси оқибатида ўлим даражаси юқорилиги билан тавсифланади (Мошнина М.А., 2005, Смирнов А.В., 2005, Salliot C., van der Heijde D., 2009).

Бундан ташқари, ревматоид артрит билан беморларда жисмоний, руҳий ва ижтимоий тавсифларининг сезиларли даражада ўзгаришлари кузатилади (Амирджанова В.Н., 2007, Alishiri G.H., BayatN., Salimzadeh A ва бошқалар, 2011, WalkerJ.G., Littlejohn G.O., 2007).

Ревматоид артритда асосий яллиғланишга қарши ва яллиғланиш цитокинлари синтезининг асосий макони синовиал тўқима ҳисобланади, бир пайтда уларнинг концентрацияси синовиал суюқликда ҳам ошиб кетади. Уларнинг асосий ҳосилалари макрофаглар, фибробластлар ва Т-хужайралар ҳисобланади. (Firestein G., Panayiand G., Wollheim F, 2006). Шунинг учун РА нинг эрта босқичларидаги ўзгаришларни баҳолаш учун периферик қонда ва синовиал суюқликда цитокинларнинг миқдорини аниқлаш диагностик аҳамиятга эга. Шундай қилиб, ревматоид артрит патогенези кўп қиррали ҳисобланади, унинг кўпгина бўғинлари келгусида ўрганилиши ва аниқланиши зарур. (Brennan F., McInnes I.,2008).

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.27.5. «Ревматоид артрит, ҳазм йўллари ва қон ҳосил килувчи тизим шикастланишини патогенетик механизмларини инобатга олган ҳолда янги ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) амалий гранти илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали интоксикация маркёрлари ва хеликобактер инвазиясини ҳисобга олган ҳолда анемик синдромли ревматоид артритни даволашга тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артритга чалинган беморларда ретроспектив ва проспектив таҳлиллар маълумотларига кўра касаллик давомийлиги ва клиник кечуви

варианти ҳамда, фаоллик даражасини ҳисобга олган ҳолда анемия синдромнинг учраш даражасини таҳлил қилиш;

ревматоид артритга чалинган беморларда хеликобактер инвазияси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда феррокинетика ҳолатини баҳолаш;

анемия синдромли ревматоид артритга чалинган беморларда касалликнинг клиник кечувига мувофиқ эндоген яллиғланиш ва интоксикация намоён бўлишини аниқлаш;

анемия синдромли ревматоид артритга чалинган беморларда қон эритроцитларида ёғларни перекис оксидланиши ва антиоксидант тизими хусусиятларини баҳолаш;

хеликобактер инвазияси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда анемия синдромини комплекс даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ревматология бўлимига мурожаат қилган 134 нафар ревматоид артрит билан беморлар ва 14 нафар соғлом кўнгилли шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ревматоид артрит беморларнинг веноз қони зардоби, сийдиги, қўл-панжа бўғимларининг рентгенологик расмлари ошқозоннинг эндоскопик текширув натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари диссертация тадқиқотини олиб боришда клинко-лаборатор, биохимик, ИФА, ультратовуш ва электрокардиографик ҳамда статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анемия билан кечувчи ревматоид артритли беморларда феррокинетика кўрсаткичлари ва эритроцитларнинг функционал ҳолатининг ўзгариши исботланган;

хеликобактер пилори билан ассоцирланган ва ассоцирланмаган ревматоид артритга чалинган беморларда феррокинетика кўрсаткичлар ўзгариш хусусиятлари очиб берилган;

анемия синдромли ревматоид артритга чалинган беморларда хеликобактер инфекциясининг темир танқислиги кўрсаткичларига таъсир механизми исботланган;

анемия синдромли ревматоид артритда феррокинетик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда ферлатум препарати билан даво самарадорлигини ошириш аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларида ревматоид артритли беморларда анемиянинг мавжудлиги бўғим синдроми фаоллик даражасини ошишига олиб келган;

ревматоид артритда феррокинетика бузилишларини баҳолаш ва анемия келиб чиқишида темир алмашинуви кўрсаткичлари, эритроцитлар индекси, зардоб ферритин миқдорларини аниқлаш зарурияти исботланган;

хеликобактер пилори ассоцирланган анемия билан кечувчи ревматоид артритли беморларда анемия ва унинг лаборатория кўрсаткичларини бузилишлари чуқурлашувида хеликобактер инвазиясининг роли аниқланган;

хеликобактер пилори ассоцирланган анемияли ревматоид артрит билан беморларни комплекс даволашга ферропрепаратлар билан бирга хеликобактер пилори эрадикациясига йўналтирилган препаратларни киритиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, ИФА, биокимёвий, рентгенологик, лаборатор-инструментал усулларидан фойдаланиб олинганлиги, назарий ҳамда амалий натижалар монандлиги шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касаллик ривожланишига ва кечишининг чуқурлашувига сабаб бўладиган анемиянинг табиатини изоҳловчи маркерлари - қон зардобдаги ферритин миқдори, зардобда темир ўзлаштириш қобилияти (ОЖСС) ва трансферрин эритиш рецепторининг аниқланиши, касалликни кечишини таҳлил қилиш учун асос яратади. Олинган тақикот натижаларига кўра иммун-яллиғланиш касалликларида темир танқислиги анемиясига чалинган беморларни аниқлашга имкон пайдо бўлди, бу эса анемик синдромни даволаш учун темир препаратлари қўшимча терапиясини тайинлашга имкон берди. Гемоглобин миқдорининг ишончли ошиши сурункали касалликлар анемиясига чалинган беморларда самарли яллиғланишга қарши терапия муҳотида ҳам, «ҳақиқий» темир танқислигига чалинган беморларда ферротерапия муҳотида ҳам стандарт феррокинетикик кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурлигини исботлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ревматоид артрит билан беморларда анемиянинг учраш даражаси ва кечиш шаклларини аниқлаш, шунингдек, касаллик кечишида унинг аҳамиятини аниқлаш ревматоид артрит билан беморларни даволашни яхшилашга ёрдамлашади. Ревматоид артрит билан беморларда темир препаратлари қўлланишини ноўя таъсирлари юзага келиши эҳтимолий хавфини аниқлаш ҳамда гастродуоденал ноужуя таъсирлар оқибатларини аниқлаш ва бу асоратларнинг олдини олишга ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. РА беморларда анемик синдром, сурункали интоксикация маркёрлари ва хеликобактер инвазиясини ҳисобга олган ҳолда ревматоид артритни даволашга тавсияларни ишлаб чиқиш буйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ревматоид артрит беморларда хеликобактер инфекциясини ҳисобга олган ҳолда анемиянинг кечишининг клиник хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 апрель 8н-д/73-сон). Мазкур услубий қўлланма Н.Pylori ассоцирланган анемик синдромли ревматоид артрит билан беморларда феррокинетикика бузилиши ва анемик синдромнинг чуқурлашувида хеликобактер

инвазиясининг аҳамияти ва хеликобактериоз билан ассоцирланган анемияли ревматоид артрит билан беморларни комплекс даволашга ферропрепаратлар билан бирга Н. Рuloгi эрадикациясига йўналтирилган препаратларни киритиш имконини беради;

анемияли, хеликобактериоз билан боғлиқ ревматоидли артритга чалинган беморларни даволашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика терапия ва реабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида клиник амалиётига жорий этилган. (Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 8н-з/45-сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар ревматоид артритни даволаш самарадорлигини ошириш, касаллик клиник кўринишларига анемиянинг таъсирини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та журнал мақоласи, шундан 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект и предмет характери, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таснифланади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ошкор қилинади, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг **«Ревматоидли артрит билан касалланган беморларда анемия ривожланишининг хусусиятлари, анемия ва анемик синдромини даволашнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган бобида муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Ревматоидли артритнинг этиопатогенези ва даволашда жорий маълумотларнинг батафсил таҳлил қилинган. Ревматоидли артритни даволаш бўйича Европанинг сўнгги тавсияларини тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилади. РА беморларда анемик синдром ривожланишининг муаммолари батафсил тавсифланган.

Ревматоидли артрит билан оғриган беморларда анемияни коррекцияси усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Анемик синдромли РА беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, тадқиқотнинг лаборатор-функционал ва статистик усулларини ўз ичига олган. Ревматоидли артрит билан беморларда гастродуоденал соҳалар зарарланишини ва анемиянинг учраш даражасини ўрганиш учун 2012-2014 йилларда ревматология бўлимида даволанган 625 нафар беморнинг касаллик тарихлари тадқиқотнинг биринчи боскичида ретроспектив таҳлили ўтказилган.

Проспектив тадқиқотда, 2015-2016 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасининг ревматология бўлимида стационар шароитда даволанган 134 РА беморлар киритилди. Тадқиқ қилинган беморларнинг 85,8% (115) ни аёллар ташкил қилди. Эркаклар сони 14,2% (19) ни ташкил қилди. Бу яна бир бор, РА билан касаланган беморлар орасида аёллар устунлигидан далолат беради (Балабанова). (Расм 1.)




1 - расм. Беморларнинг жинс бўйича % нисбати

Касаллик давомийлиги 1 йилдан 30 йилгача бўлган беморлар кузатув остида бўлди. РА ташҳиси Америка ревматология ассоциациясининг мезонларига асосланиб қўйилган ва АМН Россия Федерациясининг Ревматология ИТИ (1991г) тақдим этган ишчи таснифи ва номенклатураси билан тўлдирилган. Активлик даражасининг базис усули сифатида DAS28 индекси (DiseaseActivitiScore) ишлатилган. (Насонов Е. Л., 2006).

РА касаллиги беморларнинг 100%да секин ривожланиб кечиши кузатилган. Улардан 16 нафарида (11,9%) жараённинг минимал активлик даражаси аниқланди. Беморларнинг кўпчилиги, яъни 92 нафарида (68,6%) II-даражали активликка эга. III-даражадаги активлик факатгина 26 нафар (19,4%) беморларда аниқланди. Суюк-бўғим тизимининг рентгенологик текшируви шуни кўрсатдики, 9 нафар (6,7%) беморда рентгенологик I-боскич, 41 нафар (30,6%) беморларда II-боскич, 56 нафар 41,8% беморда III-боскич, 28 нафар (20,9%) беморларда – IV-боскични ташкил этди.

Бўғимларнинг функционал фаолиятини баҳоланганда, 7 нафар (5,2%) беморларда 0-даражали бўғим функционал етишмовчилиги (БФЕ), 34 нафар (25,4%) беморларда I- даражали БФЕ, 82 нафар (61,6%) беморларда II-даражали БФЕ, 11 нафар (8,2%) беморда III-даражали БФЕ кузатилди. (Расм 2.)



2-расм. Кузатилган беморларни клиник характеристикаси

Барча беморлар 3 гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳда (64) анемик синдромсиз РА билан беморлар, 2-гуруҳ анемик синдромли РА беморлар (38), 3-гуруҳ эса хеликобактер пилори инфекцияси билан ассоцирланган анемия бўлган РА беморлар (32). Гуруҳларни жинси, ёши, асосий касалликнинг клиник хусусиятлари ва анемия даражаси билан солиштириш мумкин.

РА барча беморлар базис яллиғланишга қарши дорилар (плаквенил, БЯКВ), касалликнинг кўзғалиши даврида ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари (НЯҚВ) ва глюкокортикостероидлар (ГК), иммуностимуляторлар, сўрилтирувчи дори воситаларини қабул қилди.

ТГА коррекцияси учун анъанавий даволанишга комплекс даво сифатида темир препарат қўшилди - Ферлатум (протеин-сукциниллат «Italfarma», Италия) 40-80 мг суткасига 60 кун давомида берилди.

Қўйидаги мезонларга кўра беморлар киритилди: РА беморлардаги гемоглобин >80 ва <109 г/л оралиғида, ранг кўрсаткичи <0.85 ва қон зардобдаги темир миқдори <12 ммоль/л.

Тадқиқот мобайнида меъда-ичак ва талоқ ёндош касалликлари, гемосидероз билан касалланган беморлар киритилмади. Қоннинг кўрсаткичлари, клиник самараси ва унинг ножўя таъсирлари даволашдан олдин ва даволашдан 30, 60 кундан кейин ўрганилди.

Шундай қилиб РА билан касалланган беморлар клиникасининг хилма-хиллиги илмий мақсадга эришиш имконини беради.

Лаборатор тадқиқотлар ўз ичига қуйидагиларни олган: умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, қон биокимёвий таҳлили, ЭКГ, қўл панжа бўғимлари рентгенографияси, ошқозон эндоскопияси, феррокинетика кўрсаткичлари, ПОЛ ва АОС кўрсаткичлари.

Гемограмминг тадқиқоти НЬ миқдори, эритроцитлар сони, эритроцитар индекслар (MCV, MCH, MCHC ва RDW)ни аниқлаган ҳолда «Sysraex KX - 2 IN» анализаторида амалга оширилди. Зардоб темири Ла Хема Био-Ла-Тест «Темир» фирмаси (Чехия) реактивлари тўплами билан аниқланди. Зардоб ферритини, трансферрин эрувчан рецептори миқдори, ўсимта некрози омили ва эритропоэтин миқдори қаттиқ фазали иммуноферментли таҳлил услубида автоматик ИФА-анализаторида «БиоХимМак» фирмаси (Россия) тўпламидан фойдаланилган ҳолда аниқланди. Хеликобактер пилори (HP) ИФА ёрдамида аниқланди. Рақамли материалга статистик таҳлил учун EXCEL пакети тўплами ёрдамида шахсий компьютерда статистик ишлов берилди. Ўртача арифметик қиймат (M), ўртача-квадрат четга чиқиш (σ), нисбий қийматлар (частота, фоизлар), янглиши эҳтимоли ҳисобланган ҳолда (P) Стьюдент критерийи (t) ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Ошқозон гастродуоденал соҳа ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ревматоидли артрит билан касалланган беморлар ҳолатининг клиник тавсифи»** деб номланган учинчи бобида Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасининг ревматология бўлимида 2012-2014 йиллар мобайнида даволанган РА беморлар касаллик тарихномаларининг олиб борилган ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, беморлар орасида аёллар кўпроқ - 567 нафар (90,7%) бемор. Эркаклар 58 нафар (9,3%) беморларни ташкил этди, яъни 9,8:1,0 нисбатда, бу эса адабиётларда келтирилган маълумотларга зид келмайди. РА беморлар орасида 364 нафаридида анемия аниқланган.

РА билан анемиянинг бирга кечиши анемия этиологиясидан қатъий назар асосий патология клиник тавсифига муайян таъсир кўрсатиши лозим, биз мазкур бобда анемияли РА беморларнинг ёш-жинс ва клиник тавсифини таҳлил қилдик.

Анемия билан бирга РА беморлар таркибида анемиясиз беморлар гуруҳига қараганда эркакларнинг солиштирма вазни деярли икки бараварга кам. Бунда иккала солиштириладиган гуруҳларда аёл жинсидаги беморлар кўпроқ.

Анемия билан бирга ва анемиясиз РА беморлар ёш тоифаларини таҳлил қилиш, беморларнинг ёш тоифалари бўйича сезиларли тафовутларини аниқламади. Бироқ 30 ёшгача бўлган ёш тоифасидаги беморларнинг анемияли РА беморлар гуруҳида, анемиясиз беморларга қараганда солиштирма вазни 1,6 бараварга ошиши ўзига эътибор қаратади. Демак, анемияли РА эркак жинсидаги беморлар орасида нисбатан камроқ ҳамда 30 ёшгача бўлган беморларда нисбатан тез-тез учраб туради.

Анемиянинг қўшилиши, ревматоидли артритнинг клиник тавсифи айрим кўрсаткичларига сезиларли таъсир этади. Бунда РА бўғим-висцерал шакли

билан касалланган беморлар, анемияли РА беморлар гуруҳидан 2 баравар кўпроқ солиштирма вазни ошиши кузатилади. Фаоллик даражасининг юқори фаоллик томонга сезиларли силжиши қайд этилади. Анемияли РА беморлар гуруҳида фаоллик III даражаси билан касалланган беморлар солиштирма вазни анемиясиз РА беморлар гуруҳига қараганда деярли 2 бараварга ошади. Бу РА фаоллик I ва II даражалари билан касалланган беморлар солиштирма вазни камайиши ҳисобига содир бўлади.

Ўхшаш манзара бўғимлари функционал лаёқатсизлиги даражасига нисбатан ҳам ўринли. Бунда бўғимлар функцияси яққол бузилишларига эга беморлар солиштирма вазни ошиши кузатилади.

РА узоқ вақт кечишини таҳлил қилишда анемия мавжудлигига қараб муайян тафовутлар кузатилади. Бунда анемияли РА беморлар гуруҳида касалланиш муддати 1 йилгача бўлган беморлар солиштирма вазни анемиясиз РА беморлар гуруҳига қараганда 6 бараварга кам. Бир пайтнинг ўзида касалланиш муддати 1 йилдан 5 йилгача ва 5 йилдан 10 йилгача бўлган беморлар солиштирма вазни аксинча мувофиқ тарзда 38,0% ва 34,0% га юқори.

Демак, анемиянинг кўшилиши РА клиник тавсифи кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу РА бўғим-висцерал шакли, патологик жараён янада фаоллиги ҳамда бўғимлар функциялари бузилишлари тез-тез учраб туриши частотаси нисбатан ошиши, шунингдек, 1 йилдан 10 йилгача патология муддатига эга беморлар солиштирма вазни ошиши билан тавсифланади.

Юқори даражада учраётган анемия ва гастродуоденал соҳасининг (ГДС) зарарланиши ҳозирги кунда учрайдиган РА учун характерли ҳисобланади. Ушбу ҳолат, ГДС зарарланиши ва анемия билан учрайдиган РА хусусиятларини таҳлил қилиш зарурлигига ишора қилади.

Ўз навбатида, беморларни ёши бўйича тоифаларга ажратиш шуни кўрсатдики, РА анемик синдроми билан беморларда ГДС зарарланиши 20 ёшгача учрамайди, 31 ёшдан 40 ёшгача ва 70 ёшдан катталар орасида 2 - 3 баравар кўпроқ учрайди. РА анемик синдроми билан беморларда ГДС зарарланиши клиник кўринишига сезиларли даражада таъсир этади. Шу билан биргаликда, РА анемия билан ҳамда ГДС зарарланиши билан биргаликда учраётган ҳолат, РА анемия ва ГДС зарарланмаган ҳолатига нисбатан 1,5 бараварга кўпроқ бўғим-висцерал шакли билан ва 1,4 баравар кўпроқ III даражали фаоллиги кузатилади.

РА анемия ҳамда ГДС зарарланиши ва зарарланиши билан биргаликда учраши, касалликнинг кечиши давомийлигида муайян тафовутлар мавжуд. Шундай қилиб, РА анемия ва ГДС зарарланиши бўлган беморларда, РА муддати 1 йилдан 10 йилгача бўлган беморларнинг даражаси ГДС зарарланиши бўлмаган беморларга нисбатан учраш улуши 23% паст бўлади. Анемия ва ГДС зарарланиши бўлган РА билан хаста беморлар гуруҳида, РА кечиши давомийлиги муддати 15 йилдан кўп бўлган беморларнинг нисбати, аксинча, ГДС зарарланиши бўлмаган анемия билан РА беморлар гуруҳига нисбатан 50% га ошади (1 жадвал).

РА беморларнинг анемия ва ГДС жароҳати билан клиник кечиши формаси ва кечиш давомийлигининг характеристикаси (2012-2014 йиллар ретроспектив маълумотларга кўра)

№	Кўрсаткичлар	Анемия билан РА беморлар	
		ГДС жароҳати бўлмаган	ГДС жароҳати билан
1	РА кечиш давомийлиги		
	1 йилгача	2 (0,9%)	2 (1,2%)
	1 дан -5 йилгача	86 (42,7%)	52 (31,9%)
	5 дан 10 йилгача	58 (28,8%)	42 (25,8%)
	10 дан 15 йилгача	19 (9,5%)	20 (12,3%)
	15 йил ва ундан кўп	36 (17,9%)	47 (28,8%)
2	Касаллик кечиши формаси:		
	Тез ривожланувчи кечиши	0 (0%)	2 (1,2%)
	Секин ривожланувчи кечиши	100 (100 %)	161 (98,8%)

Шундай қилиб, ўтказилган ретроспектив таҳлил, РА учраш частотаси ва унинг камқонлик ҳамда ГДС (гастро-дуоденал соҳа) зарарланиши билан биргаликда учраши, шунингдек уларнинг ёш-жинс ва клиник характеристикаси, ушбу патологиянинг ўзига хос клиник ва ёш-жинс тузилишидаги хусусиятлари мавжудлиги ҳақида далолат беради.

Диссертациянинг «**Даволаш динамикасида РА билан касалланган беморларда феррокинетиканинг қиёсий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида ошқозон-ичак трактининг шиллик қаватининг зарарланиши, эндотелий дисфункциясини ривожланишига олиб келувчи ревматоид васкулит ривожланиши билан боғлиқ. (Дронолвой О.Б., Кирилова В.А., Гильмутдинова Ф.Г., 2001, Каратеев А.Е., Насонов Е.Л., 2004).

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, *H. Pylori* ассоцирланган анемия синдроми РА беморларда ичак эпителийсининг ўтказувчанлигига таъсир қилади, эндотоксин ва антигенларни ошқозон-ичак тизимидан қон оқимиға кириб боришига ёрдам беради, бу нафақат аутоагрессия, балки тизимли яллиғланиш синдромига олиб келади. *H. Pylori* яллиғланиши ва эндотелиал дисфункцияси ўртасида аниқ корреляция ўрнатилган, бу эса охиргисини тизимли яллиғланишнинг келиб чиқишининг патогенетик омилларидан бири сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Бугунги кунга келиб, илмий-асосланган далиллар жуда катта микдорда тўпланиб, *H.pylori* инфекцияси цитокин тизимини фаоллаштириб, антиоксидант химоя тизимиға таъсири орқали намоён бўлади. (Герцог О.А., Коненкаво Л.П ва бошк., 2004; Фадеенко ГД, Циммерман Я.С., 2006). Шу

билан бирга, *H.pylori* инфекцияси билан боғлиқ РА ЛПО (липидларнинг перекис оксидланиши) тизимини фаоллаштириш йўллари ва анемик синдромининг шаклланишидаги хужайра мембраналарини универсал шикастланиш механизмининг ўрни аниқ эмас, ва бу бизнинг тадқиқотимизнинг келгуси вазифаси эди.

Таҷрибалар натижасига кўра *H.pylori* позитив реакциясини ЭПО қон плазмасидагина эмас, эритроцитларда ҳам фаоллаштиради. Бунда кўришиб турибдики қондаги умумий прооксидант фаоллигини ўртача 1,9 мартага ($p < 0,05$) ва ёғларни гидропероксидланишини 1,3 мартага ($p < 0,05$) ортади. Қондаги эритроцитларнинг антиоксидант ферментлари фаоллигини баҳолашда *H.pylori* асоцирланган анемик синдром билан РА беморларда, *H.pylori* асоцирланмаган анемик синдром билан РА беморларга нисбатан СОД ва каталаза миқдори асосида АОЗ камайиши кузатилди. Бизнинг тадқиқотда мембрана малон диальдегидининг ошиши *H.pylori* асоцирланган анемик синдром билан РА беморларда 62% ($P < 0,05$)га ошган, ўхшаш кўрсаткичлар диен конъюгаталарда ҳам кузатилди, солиштириш гуруҳидан 1,6 баравар ($P < 0,05$) кўп ва $0,76 \pm 0,04$ мкмоль/лга $0,48 \pm 0,03$ мкмоль/лни ташкил қилди. Шундай қилиб, *H.pylori* асоцирланган анемик синдром билан касалланган РА беморлар қонида ва эритроцитларида ёғларнинг перекис оксидланиши оралиқ ва охириги махсулотлари эркин радикал оксидланиш асосида пайдо бўлган. Эритроцитлардаги антиоксидантлар камайиши ҳисобига уларнинг гемолизи кузатилади. РА беморларда анемик синдроми патогенезида *H.pylori* ўрни борлигини тадқиқотларимиз асосида тасдиқладик.

Бу шароит РА билан касалланган беморларда ошқозонда Хеликобактер пилори жойлашишига кўра феррокинетик кўрсаткичлар ўрганилди. Бу тадқиқотлар натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, РА анемик синдром билан касалланган беморларда темир моддасининг транспорти ва ўзлаштирилиши ошқозонда Хеликобактер пилори ҳисобига кўра турли хил ўзгаришларга учрайди. Шунда темирнинг қондаги миқдори иккала гуруҳда назорат гуруҳдагилардан кам, шу билан бирга Хеликобактер инвазияси йўқ гуруҳ билан солиштирилганда, бор гуруҳда 8%га кам. Аналогик, лекин сезиларли силжишлар УТБХда кузатилади. Бунда охириги кўрсаткич назорат гуруҳга нисбатан РА Хеликобактер инвазияси йўқ гуруҳда 7%га ошган, РА Хеликобактер бор гуруҳда эса 13,4% га ошган.

Қондаги ферритин миқдори ҳам РА билан касалланган Хеликобактер инвазияси бор беморларда сезиларли ўзгаришларга учрайди. Охириги кўрсаткич миқдори назорат гуруҳидан 22,6%га, Хеликобактер инвазияси йўқ гуруҳдан 7%га ошган. Идентик ўзгаришлар трансфериннинг эрувчи рецепторида ва С-реактив оксида кузатилади (2-жадвал).

Хеликобактер мавжудлиги эритроцитларнинг сон ва сифат кўрсаткичларига манфий таъсир курсатади. Шунда периферик қондаги эритроцитлар миқдори сезиларли даражада камаяди. Эритроцитларнинг умумий миқдори (MCV) ва улардаги гемоглобин миқдори (MCH) янада

камаяди. Бундай ўзгаришларга эритроцит таркибидаги гемоглобин миқдори ҳам учрайди. Лекин бу ўзгаришлар статистик аҳамиятга эга эмас. (2-жадвал).

2-жадвал

Helicobacter pylori инвазияси мавжудлигига кўра анемияси бор РА беморлардаги феррокинетиклар кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назора т n=14	РА ли беморлар Нв<110 г/л	РА ли беморлар Нв<110 г/л
		Н.р.ассоцирланган.	Н.р. ассоцирланмаган.
RBC (1x10⁶/мл)	4,51±0,31	4,08+0,24	4,19+0,34
MCV (фл)	88,4±3,56	80,9+5,73	80,32+7,01
MCH (пг)	29,01±0,89	24,9+2,01	25,23+1,56
MCHC (пг)	33,18±6,78	31,80 +11,23	32,6+9,55
RDW (%)	11,9±0,51	15,6+0,43	14,67+0,73*
Эритроцитлар морфологияси	Меъёр	Ўртача гипохромия	Ўртача гипохромия
Зардобдаги темир (мкм/л)	24,7±2,01	20,2+1,47	21,86+1,83
Умумий темир боғлай олиш хусусияти (УТБХ) (мкм/мл)	66,91±5,05	75,9+4,86	71,56+ 4,78
Ферритин (нг/мл)	87,6±4,78	107,4+7,61	100,4 +1,56*
Эрувчан трансферрин рецептори (нг/мл)	1,89±0,12	4,63+0,21	3,98+0,31*
С-реактив оксил (мг/л)	5,01±0,44	8,81+1,04	6,18+0,45*

Эслатма: *- фарқнинг ҳақиқийлиги P<0,05

Шундай қилиб, РА билан касалланган беморларнинг меъда шиллик қаватида *Helicobacter pylori* нинг мавжудлиги темирнинг миқдори ва транспортига салбий таъсир қилади ва анемияни чуқурлаштиради, бу эса шубҳасиз бундай ўзгаришларга эътибор қаратиш ва уларни коррекциялаш йўллари топишни тақозо этади.

Меъдада *Helicobacter pylori* нинг мавжудлиги анемиянинг кечишини оғирлаштириши маълум бўлгач, Хеликобактер инфекция билан ассоцирланган РА беморларда темир препаратлари киритилиб ўтказилган комплекс терапия динамикасида феррокинетиклар кўрсаткичларини кузатиш биз учун аҳамиятлидир.

Бу изланишлар натижаси 3-жадвалда келтирилган.

Анемияси бор Хеликобактер инфекция билан ассоцирланган РА беморларда, феррокинетикларнинг дастлабки бузилган параметрлари ўтказилган даволаш динамикасида сезиларли ўзгаришларга учрайди.

Бунда, даволаш темир препаратлари билан ўтказилаётганига қарамай қондаги темир миқдори даволашнинг 1-ойи охирига келиб дастлабки кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ўзгармайди. 2-ой охирига келиб эса бу кўрсаткич ҳаттоки пасаяди. Бу муддатда кузатувдаги охириги кўрсаткич контролдагидан 23% га паст бўлади. Бу эса Хеликобактер инфекция билан ассоцирланган РА беморларда темир препаратлари қўлланилса ҳам қондаги темир миқдорини нормаллаштира олмаслигини кўрсатади. Ўрганилаётган беморлар гуруҳида қонда темир миқдори пасайиши билан бир вақтда темирни ўзлаштириш қобилияти кўрсаткичининг кўтарилиши кузатилади. Бу ҳолат қондаги темир танқислигини тўлдиришга қаратилган компенсатор реакция ҳисобланади.

3-жадвал

Хеликобактер инфекцияси билан ассоцирланган РА беморларни комплекс даволаш динамикасида феррокинетиклар кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Назорат n=14	РАли беморлар (Hb<110 г/л)		
		Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	
			1 ой ўтгач	2 ой ўтгач
RBC (1×10^6 /мл)	4,51±0,31	4,08±0,24	3,68±0,26	3,88±0,22
MCV (фл)	88,4±3,56	80,9±5,73	78,65±6,51	78,98±5,49
MCH (пг)	29,01±0,89	24,9±2,01	25,12±2,01	25,83±1,63
MCHC (пг)	33,18±6,78	31,80±11,23	32,23±9,02	32,84±8,76
RDW (%)	11,9±0,51	15,6±0,43	15,24±0,73	14,08±0,78*
Эритроцитлар морфологияси	Норма	Ўртача гипохромия	Ўртача гипохромия	Ўртача гипохромия
Зардобдаги темир (мкм/л)	24,7±2,01	20,2±1,47	20,93±1,73	19,04±1,56
Умумий темир боғлай олиш хусусияти (УТБХ) (мкм/мл)	66,91±5,05	75,9±4,86	76,4±6,01	77,01±6,54
Ферритин (нг/мл)	87,6±4,78	107,4±7,61	109,3±8,01	110,6±7,61*
Эрувчан трансферрин рецептори (нг/мл)	1,89±0,12	4,63±0,21	4,24±0,32	4,09±0,24*
С-реактив оксил (мг/л)	5,01±0,44	8,81±1,04	5,54±0,46	5,13±0,51*

Эслатма: *- фарқнинг ҳақиқийлиги $P < 0,05$

Изланиш олиб борилаётган беморлар гуруҳида ўтказилган даволаш натижаси ўлароқ қондаги ферритин миқдорининг динамикада ошиб бориши кузатилди (3-жадвал). Бунда даволаш бошлаган дастлабки даврдан кейинги охириги 2 ойда ферритин миқдори кузатувдагига нисбатан 26,2%га баландроқ

бўлган. Ушбу кузатув муддатида ферритиннинг эрувчан рецептори кўрсаткичлари катта миқдорда ўзгаргани кузатилди. Бунда кузатув даврининг охирига келиб кўрсаткич контролга нисбатан 2,2 бараварга баланд бўлган. Бинобарин, биз аниқлаган қондаги темир транспорти кўрсаткичларидаги силжишлар анемиянинг кечишига Хеликобактер инвазиянинг салбий таъсирини яна бир бор тасдиқлади. Бу ҳолатда клиник-лаборатория кўрсаткичлари темир препаратлари билан даволашга қарамасдан нафақат яхшиланмади, балки ёмонлашди ҳам.

Ҳақиқатдан ҳам, анемияли РА Хеликобактер инфекцияси билан ассоцирланган беморларда темир препаратлари билан комплекс даволанганда салбий томонга қараб ўзгаришга учради. Бундай беморлар гуруҳидан 81,6% да даволашнинг 1-ойининг охирига келиб эритроцитлар сони дастлабки даврдагига нисбатан 10%га пасайди. Қондаги эритроцитлар ҳажмининг пасайиши даволашдан олдин ва даволашдан кейин ҳам ўзгармайди. Бундан ташқари, даволанишни бошлашдан олдин пайдо бўлган эритроцитларнинг кам миқдори даволашдан кейин ўзгармайди.

Кузатилаётган беморлар гуруҳида ўтказилган даволаш фонида эритроцитларнинг ўртача ҳажми, гемоглобин концентрацияси кўрсаткичлари ва эритроцитлар тақсимланиш эгрилиги (3-жадвал) ижобий динамикаси кузатилмади. Дарҳақиқат, кузатилаётган беморлар гуруҳи қон таҳлилларидаги эритроцитларнинг сифат-сон кўрсаткичлари ҳам ижобий динамиканинг йўқлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни таҳлил қилиш анемиянинг ривожланишида РА мавжуд ҳолатларда *Helicobacter* инфекциясининг кучайтирувчи ролини тасдиқлайди. *Helicobacter* инфекцияси мавжуд беморларда РАнинг стандарт терапияси доирасида, бузилган феррокинетикини тузатиш учун темир препаратларидан фойдаланиш кутилган натижани бермайди. Бу эса бундай ҳолатларда комплекс терапия таркибига темир препаратлари билан бирга *Helicobacter pylori* инфекциясини бартараф этишга йўналтирилган препаратларни киритиш лозимлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

«Ревматоид артритнинг анемик синдром билан кечиши ва даволашнинг ўзига хослиги» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра ревматоид артритга чалинган беморларда анемия 58,2% ҳолатларда учрайди. Анемия касалликнинг бўғим шаклига нисбатан бўғим-висцерал шаклида, шунингдек жараён юқори фаолликдаги ва бўғимларда функционал ўзгаришлари бор беморларда кўпроқ кузатилди.

2. Анемия синдроми билан кечувчи ревматоид артритли беморларда анемия синдроми бўлмаган беморларга нисбатан қон плазмасининг умумий

прооксидантлари, липидлар гидроперекиси ва малон диальдегиди миқдори сезиларли даражада ошиши кузатилди.

3. Хеликобактер инфекцияси асоцирланган анемия синдромли ревматоид артритга чалинган беморларда эркин радикалли оксидланиш жараёнлари хеликобактер инфекцияси бўлмаган беморларга нисбатан бирмунча яққолроқ намоён бўлиши аниқланди.

4. Анемия синдроми билан кечувчи ревматоид артритли беморларда эритропоэтин миқдори референс кўрсаткичлар чегарасида бўлиб, анемияга қарши даво қўлланилганда унинг миқдори сезиларли даражада камайиши кузатилди.

5. Анемия синдроми билан кечувчи ревматоид артритли беморларни даволашда Ферлатум препаратини қўлланилиши феррокинетика кўрсаткичлари бузилишларини ва сурункали интоксикация белгиларини бартараф этиш имкониятини яратди.

6. Хеликобактер инфекцияси мавжудлиги анемия синдроми билан кечувчи ревматоид артрит давосида қўлланилган Ферлатум препаратининг терапевтик самарасини пасайишига олиб келиши кузатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ЭШМУРЗАЕВА АИДА АБДИГАНИЕВНА

**ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ И ЛЕЧЕНИЯ РЕВМАТОИДНОГО
АРТРИТА С АНЕМИЧЕСКИМ СИНДРОМОМ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD /Tib198.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском, английский (резюме)) размещён на веб-сайте по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Каримов Маъриф Шакирович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Алиахунова Мавжуда Юсуповна**
доктор медицинских наук, профессор

Махмудова Азиза Джумановна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация **Ташкентский медицинский педиатрический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби-2. Тел/факс: (+998 71) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован № ____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби-2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус «б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «____» _____ 2018 г.)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Б.Х. Шагазатова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л. Аляви

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Ревматоидный артрит (РА) несмотря на достигнутые успехи в диагностике и лечении, по сей день остаётся одним из самых распространённых и часто встречаемых аутоиммунных заболеваний, составляя 10 % от всех ревматологических заболеваний. РА является не только медицинской, но и социально-экономической проблемой, при этом дебют заболевания чаще встречается у трудоспособных лиц. У около 50% больных трудоспособного возраста заболевание приводит к потере трудоспособности и инвалидизации в течение первых пяти лет¹. Наиболее частым гематологическим нарушением у больных РА является анемия, частота поражения до 30 - 70%, а в первый год заболевания составляет 25%.

По всему миру при диагностике и лечении больных РА уделяют внимание изучению следующих коморбидных состояний (анемия, поражение желудочно-кишечного тракта, дисфункция почек). Кроме того, проводится изучение влияния анемии на течение ревматоидного артрита, разработка патогенетических механизмов развития наиболее распространенных причин снижения уровня гемоглобина, изучение феррокинетических показателей и влияния противовоспалительных базисных лекарственных средств, препаратов железа на анемию в процессе лечения, а также изучение патогенетического влияния хеликобактерной инфекции на анемию, что отражает актуальность проблемы. Дефицит железа является негативным фактором, приводящим к нарушению процессов доставки кислорода через эритроциты, нарушениям тканевого дыхания, ферментативных реакций, и к сохранению иммунологической резистентности, что углубляет острые и хронические воспалительные процессы в суставах, негативно влияет на течение РА и результаты лечения. Ведутся исследовательские работы, направленные на изучение возникновения и лечения анемии у больных РА среди населения, на улучшение качества жизни больных.

В нашей Республике ведется целевая работа по реформированию системы здравоохранения, и в этой сфере достигнуты определенные результаты по оказанию качественных медицинских услуг населению, в частности, в ревматологии разработаны новые методы диагностики, лечения и профилактики суставных болезней. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы установлено «обеспечение снижения показателей заболеваемости среди населения и продления жизни»². Исходя из этого, наряду с подъемом уровня медицинского обслуживания населения на новую ступень, особое значение приобретает проведение научных исследований по изучению влияния анемии на развитие, течение РА и результаты лечения.

¹ Ватутин Н.Т. Смирнова А.С. Калинкина Н.В. Шевелек А.Н. «Анемия у больных ревматоидным артритом: особенности патогенеза, диагностики и лечения».

² Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» и Постановлением «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 г. за № ПП-3071, а также в других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан – VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Несмотря на многочисленные исследования, проводимые в различных странах мира, и успехи в лечении и диагностике ревматоидного артрита, оценка эффективности и безопасности антианемических средств в комплексном лечении больных РА с анемическим синдромом недостаточно изучены и противоречивы. Ряд исследователей указывают, что включение антианемических препаратов в комплекс лечения больных с воспалительными заболеваниями суставов, нецелесообразно, так как может приводить к активации свободнорадикального окисления за счёт ионизированного железа (Fe^{2+}) и аскорбиновой кислоты, часто имеющих в составе препаратов железа (Pincus.T. et al. 1990). Кроме того, известно, что препаратам ионизированного железа (Fe^{2+}) присущи ряд таких нежелательных эффектов, как тошнота, рвота, раздражение слизистой желудка и др. (Scholl.T.O. 2005), которые усиливают гастродуоденальные побочные эффекты НПВС. Назначение стимуляторов эритропоэтина у больных с суставными заболеваниями не оказывают должного эффекта. Изложенное обстоятельство диктует необходимость поиска новых подходов к коррекции анемического синдрома у больных РА, обладающих эффективностью при минимальном риске развития нежелательных побочных эффектов.

Как известно, одним из основных факторов, определяющих социальное бремя болезней, особенно хронических, является их распространенность в популяции. По данным ряда авторов распространенность РА в популяции достигает 1%, а экономические потери для общества сопоставимы с таковыми от ишемической болезни сердца (Балабанова Р.М., Кашеваров Р.Ю., Олюнин Ю.А. и др., 2006). По данным эпидемиологических исследований в промышленно развитых странах распространенность РА достигает 0,5-2% от общей численности населения (Насонов Е. Л., 2006, Emery P., Suarez-Almazor M., 2003), а ежегодная частота возникновения новых случаев достигает 0,02% (Насонов Е.Л., Насонова В.А., 2008). Распространенность РА среди взрослого населения различных климато-географических зон - в среднем 0,6-1,3%. Американские эксперты прогнозируют увеличение количества «диагностированных врачом артритов»

